

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ориент Финанс” ХАТБ
Акциядорлари умумий
йиғилишининг
2023 йил 12 июндаги
1/2023 - сонли баённома-қарори

Кузатув кенгаш Раиси

Б.Б.Парпиев _____

**«ОРИЕНТ ФИНАНС» ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ
(янги таҳрирда)**

Келишилган:

Бошқарув Раиси
Т.Ф. Джунайдуллаев _____

Кредитлаш департаменти
З.З.Рузиев _____

Бошқарув Раиси
биринчи ўринбосари
Ш.Ш.Тўйбоев _____

Юридик хизмат департаменти
директори
Т.У.Умаров _____

Бошқарув Раиси ўринбосари
И.Т.Турсунов _____

Бош бухгалтер
Д.Т. Рахимов _____

Бошқарув Раиси ўринбосари
Б.Э.Норматов _____

Ғазначилик департаменти директори
З.Х.Пайзиев _____

ТОШКЕНТ 2023

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1 Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги (янги таҳрирда) қонунлари, “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами: №3254; 2020 йил 30 июн) ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари, “Ориент Финанс” Хусусий акциядорлик тижорат банкининг (кейинги ўринларда “Банк”) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2 Низом Банк Кузатув кенгашининг мақоми, Кенгаш аъзоларини сайлаш тартибини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди ва унинг фаолиятини тартибга солади.

1.3 Кузатув кенгаши Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш жараёнида назорат ва текширув вазифасини бажаради, амалдаги қонунчилик ва Банк Устави билан Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Кузатув кенгаши умуман Банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгар бўлиб, Банкни самарали ва тадбирли бошқаришни, жумладан Банк Бошқаруви аъзолари ўртасида ваколатларнинг ва жавобгарликнинг тақсимланишини, манфаатлар тўқнашувининг олди оленишини ва бартараф этилишини таъминлайдиган бошқарув ташкилий тузилмасини белгилайди ҳамда унинг жорий этилиши устидан назорат ва текширувни амалга оширади.

Кузатув кенгаши Банкда таваккалчиликларни бошқариш тизимининг самарали жорий этилишини таъминлашга ҳамда унинг устидан назоратни амалга оширишга масъул бўлиб ҳисобланади ва қонунчиликда белгиланган таваккалчиликларни бошқаришга доир вазифаларни бажаради.

1.4 Кузатув кенгаши Акциядорлар умумий йиғилишига ҳисобдордир.

1.5 Кузатув кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги, Банк Устави, ушбу Низом, Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

2. КУЗАТУВ КЕНГАШИНING ВАКОЛАТЛАРИ

2.1 Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

1) Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Банк Бошқарувининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2) Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

3) Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

4) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

5) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Банк акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

6) Банкнинг Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, уни янги таҳрирда тасдиқлаш масалаларини Акциядорлик умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

7) Банк мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

8) Банкнинг Устав капиталини кўпайтириш ва Банк Уставига Банкнинг Устав капиталини кўпайтириш ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини

камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

9) Банк акциялари чиқарилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш, шунингдек аввал рўйхатдан ўтказилган Банк акциялари чиқарилиши тўғрисидаги қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

10) Аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

11) Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Банкнинг узоқ муддатли ривожлантириш стратегияси асосида қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) Бизнес-режасини тасдиқлаш.

Бунда Банкнинг келгуси йилга мўлжалланган йиллик Бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланиши лозим;

12) Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида ва корпоратив облигацияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

13) Банк томонидан депозит сертификатлари ва бошқа қарз мажбуриятларини, шунингдек қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

14) Акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

15) Банк Бошқаруви Раиси ва аъзоларини тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Бунда Бошқарув Раиси ва аъзоларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

16) Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

18) Банк Бошқаруви фаолиятига даҳлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун Банк Бошқарувидан бу каби ҳужжатларни олиш (Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин);

19) Банк акциялари бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

20) Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар, Банкнинг аффилиланган шахслари ва Банка алоқадор шахслар билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

21) Банкнинг заҳира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

22) Банкнинг филиалларини ҳамда ваколатхоналарини ташкил этиш, очиш ва тугатиш, уларнинг низомларини тасдиқлаш ва ўзгартириш киритиш;

23) Банкнинг шўба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

24) Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни тузиш;

25) Қонун ҳужжатларида ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши белгилаган доирада барча акциядорларга маълумотларни ошкор этган тарзда ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарорлар қабул қилиш;

26) Кузатув кенгаши, Бошқарув аъзолари, Банк ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу

жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича кўмиталар (ишчи гуруҳлари)ни ташкил этиш;

27) Банк таркибига кирувчи корхоналар фаолияти юзасидан уларнинг тасдиқланган Бизнес-режасига мувофиқ бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисидаги Банк Бошқарувининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб бориш;

28) Банк корпоратив маслаҳатчисини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгилловчи низомни тасдиқлаш;

29) Банкда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш бўйича қарор қабул қилиш, корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини ўз йиғилишида кўриб чиқиш, унинг натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича чоралар кўриш, мустақил баҳолаш натижаларини Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун киритиш;

30) Банкда Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий этиш юзасидан назоратни амалга ошириш;

31) Банк фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш;

32) Банк мансабдор шахсларининг бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида иштирок этишига рухсат бериш масаласини кўриб чиқиш;

33) Ҳодимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш шартлари ва тизимини белгилаш;

34) Банкнинг стратегик мақсадларини, кредит, эмиссия, кадрлар, инвестиция, дивиденд, Банкнинг таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш (таваккалчиликларни бошқариш) сиёсатларини, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини, шунингдек риск-аппетит баёноти, янги маҳсулотларни жорий этиш сиёсати, стресс-тест ўтказиш тартибини, Банкнинг бошқа сиёсатларини ва тегишли ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

35) Активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги зарарларга қарши яратиладиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек Банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;

36) Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;

37) Банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;

38) Банкнинг Бошқаруви устидан назоратни амалга ошириш;

39) Банкнинг қабул қилинган бизнес-режаси бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ҳар чоракда Банкнинг фаолияти натижалари тўғрисида Банк бошқарувининг ҳисоботини эшитиш;

41) Банкнинг ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек Банк ички аудит хизматининг чораклик ҳисоботлари асосида Банк Бошқаруви томонидан Банк стратегиялари ва сиёсатларига риоя этилишини баҳолашдан ўтказиш;

42) Банк Бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва тушунтиришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳслашиш;

43) Банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан Банк бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни

амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;

44) Бир йилда камида бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида Акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобот тақдим этиш;

45) Йиллик молиявий ҳисоботларни дастлабки тарзда тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

46) Банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш;

47) Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, ушбу Устав ва Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

2.2 Кузатув кенгашининг ваколатлар доирасига киритилган масалаларни ҳал қилиш учун Банк Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

2.3. Кузатув кенгаши ўз ишининг самарадорлигини таъминлаш, энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва Кузатув кенгашига таклиф ва тавсиялар тайёрлаш, Кенгашнинг назоратга доир вазифаларини бажаришида унга кўмаклашиш учун Кузатув кенгаш аъзоларидан таркиб топган махсус кўмиталар, жумладан, Аудит кўмитаси, Таваккалчиликларни бошқариш кўмитаси ва бошқа кўмиталар ташкил этиши мумкин.

Махсус кўмиталар таркиби Кенгашнинг учтадан кам бўлмаган аъзоларидан ташкил топади. Бунда, Кўмита бошқа кўмита аъзолигида бўлган айнан бир шахслар таркибидан иборат бўлишига ҳамда Кенгашнинг бир аъзоси бир вақтнинг ўзида турли кўмиталар раиси бўлиши мумкин эмас.

Кўмитанинг кўпчилик аъзолари Банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги (бундан уларнинг Кенгашдаги аъзолиги мустасно), Кўмиталарнинг раиси Банкнинг Кузатув кенгаш раиси бўлмаслиги лозим.

Кенгаш ҳузуридаги ҳар бир махсус кўмитанинг ваколатлари, мажбуриятлари, вазифалари, иш тартиби, йиғилишлар даврийлиги ва муддатлари ҳамда Кузатув кенгашига ҳисоботлар тақдим қилиш тартиби Кенгаш томонидан тасдиқланадиган кўмиталар тўғрисидаги низомда белгиланади. нг, ваколатлари, мажбуриятлари, вазифалари, иш тартиби, шунингдек, бошқа масалаларни қамраб олган кўмита тўғрисида низом кенгаш томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

3. КУЗАТУВ КЕНГАШИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Кузатув кенгашининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

Банк акциядорлари манфаатлари йўлида ўз ваколатларини амалга ошириш;

Банкнинг корпоратив бошқарувига кўмаклашиш Марказий банк билан самарали ҳамкорликни таъминлаш;

Омонатчилар ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, Банк фаолиятини, шу жумладан кредитлаш ва маблағларни инвестициялашнинг тўғрилигини жорий назорат қилиш;

ҳар чорақда Банк Бошқаруви ҳисоботларини, шунингдек Банк ликвидлигини бошқариш ва Банкнинг йиллик Бизнес-режасини бажариш масалаларини эшитиб бориш;

Банкнинг мақбул даражада капиталлашувини сақлаб туриш;

Банк фаолияти стратегиясини шакллантириш, Банкни ривожлантиришга оид қабул қилинган бизнес-режалар ижросини назорат қилиш;

Банк фойдалилигини мониторинг қилиш;
Банкда Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий этиш юзасидан назоратни амалга ошириш;

Банк Ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш. Ички аудит хизмати раҳубарининг ҳисоботларини ҳар чорақда мунтазам эшитиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш.

3.2. Кузатув кенгаши самарали фаолият юритиши учун йилда камида бир марта қуйидагиларни амалга ошириши зарур:

Кенгашнинг ҳар бир аъзосини касбий масъулияти улар амалга оширган ишларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва натижалари асосида баҳолаши;

ўзининг бошқарув усуллари ва сиёсатининг самарадорлигини кўриб чиқиши, улардаги муаммоли жиҳатларни аниқлаш ва тегишли ўзгартириш ва кўшимчаларни киритиши.

4. КУЗАТУВ КЕНГАШИНING АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ ВА УЛАРNING ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ

4.1 Кузатув кенгашининг таркиби 5 (беш) кишидан иборат бўлади. Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги Банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бунда уларнинг Кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно. Кузатув кенгаши таркибига киритиладиган мустақил аъзолар сони 3 (уч) кишини ташкил этади. Кузатув кенгаши таркибидаги 2 (икки) шахс Банкка алоқадор бўлиши мумкин.

4.2. Кузатув кенгашининг аъзолари қонунчилик ва Банк Уставида назарда тутилган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланади.

Банкнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар ва уларнинг вакиллари Кузатув кенгаши аъзоси бўлишлари мумкин.

4.3. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Банкнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай Кузатув кенгашига унинг сон таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли. Бунда, Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар, Кузатув кенгаши томонидан, қоида тариқасида, Акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади.

4.4. Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиб қуйидаги шахслар сайланиши мумкин эмас:

сўнги уч йил ичида Банкда ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларида ишлаган шахс;

Банк овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгаллик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилиланган шахслар орқали) акциядор;

Банкнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

сўнги уч йил ичида Банкка ва (ёки) Банкнинг аффилиланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

кетма-кет олти йил давомида Банкнинг Кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;

Банк ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан Кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;

Банкнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг яқин қариндоши ёки қуда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;

Банкнинг Уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

Кузатув кенгаши мустақил аъзосининг мазкур талабларга мувофиқлиги ўзгарган тақдирда, у Банкни ва Кузатув кенгашини бу ҳақда 2 (икки) иш куни ичида хабардор қилиши шарт. Бу ҳолда белгиланган тартибда бошқа номзод мустақил аъзо сифатида таклиф этилади.

Кенгашнинг мустақил аъзолигига номзод молия, иқтисод, ҳуқуқ, менежмент, корпоратив бошқарув соҳаларидан бири бўйича олий маълумотга, бошқарув фаолиятида ишбилармонлик ва шахсий обрўга, банк фаолияти соҳасида зарур билим, кўникма ва тажрибага эга бўлиши лозим.

4.5. Кузатув кенгашига номзод кўрсатиш ҳақидаги таклифларни киритаётганда, жумладан, ўзини-ўзи кўрсатганда номзоднинг исми, унга тегишли бўлган Банк акцияларининг сони ва тури, шунингдек, номзодни кўрсатувчи акциядорларнинг исми, уларга тегишли бўлган акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.6. Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ҳамда акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

4.7. Акциядорлар умумий йиғилишида сайланган Кузатув кенгаши аъзоси мазкур йиғилиш баённомасида қайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки Кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилади.

Банк томонидан Кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзоларнинг реестри белгиланган тартибда юритилади ва бу реестрни ўз расмий веб-сайтида эълон қилади.

Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси унинг бошқа аъзолари билан бир қаторда амалдаги қонунчиликда, Банк Уставида ва бошқа ички ҳужжатларида белгиланган тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади.

4.8. Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин (бунда мустақил аъзо сифатида сайланиш мустасно).

4.9. Қуйидаги ҳолларда шахс Кузатув кенгаши аъзолигига сайланиши, тайинланиши мумкин эмас:

- икки ёки ундан ортиқ банкнинг кенгаши аъзоси бўлса ёки аъзо бўлиш ниятида бўлса, бундан мазкур банклар бир банк гуруҳига тегишли бўлган ҳоллар мустасно;

- шахснинг ваколатлари Марказий банк талабига кўра муддатидан илгари тугатилган бўлса;

- Банк коллегиял асосидаги ижроия органининг (Бошқарув) аъзоси бўлса;
- Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган бўлса.

4.10. Кенгаш аъзоларига номзодлар улар ўз вазифаларини бажаришга киришишдан олдин Марказий банк билан келишиб олинади. Кенгаш аъзолари ўз вазифаларини бажаришга уларнинг номзодлари Марказий банк билан келишиб олингандан сўнг киришишлари мумкин.

Кузатув кенгаши аъзоларини баҳолаш шартлари, баҳолаш учун зарур ҳужжатлар, малака талабларига мувофиқлик мезонлари, шунингдек уларни келишиб олиш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

4.11. Акциядорлар умумий йиғилиши Кузатув кенгашини чақириб олиш ва Кенгашнинг янги таркибини сайлаш ҳуқуқига эга.

Банк акциядори/акциядорнинг вакили бўлган Кузатув кенгаши аъзолигига номзодларга қуйидаги талаблар қўйилади:

Банкнинг камида 1 (бир) фоиз оддий овоз берувчи акцияларига мулк ҳуқуқи асосида эгалик қилиш;

Банк акциядорлари ишончига эга бўлиш, тегишли қарор қабул қилиш ҳамда умумий бошқарувни амалга ошириш учун зарур бўлган, бошқарув фаолиятида ишбилармонлик ва шахсий обрўга, билим ва тажрибага эга бўлиш.

4.12. Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилади. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳолларда вазифасини бажаришдан озод этилади (ваколати тўхтатилади):

Ўз ваколатини ихтиёрий равишда зиммасидан соқит қилганда;

Банк акциядорлари сафидан чиққанда;

Кузатув кенгаши таркибига сайланишда у манфаатларини ифодалаётган юридик шахс билан меҳнат муносабатлари тугатилганда;

Қасддан қилинган жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳақида хабар олинганда;

Кузатув кенгаши вазифасини бажариш қонун ҳужжатлари билан таъқиқланган ҳолатлар юзага келганда;

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёхуд муомала лаёқати чекланган деб топилган тақдирда;

соғлиғи ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра вазифасини бажаришга қодир бўлмайд қолганда.

5. КУЗАТУВ КЕНГАШИ РАИСИ

5.1 Кузатув кенгашининг Раиси Кенгаш аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан ушбу Кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

5.2 Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан янги таркибда сайланган Кузатув кенгашининг биринчи мажлиси умумий йиғилиш ўтказилганидан сўнг, узоғи билан 15 (ўн беш) кун ичида ўтказилади. Кузатув кенгашининг биринчи мажлисида амалдаги қонунчилик, Банк Устави ва мазкур Низомда белгиланган тартибда Кузатув кенгаши Раиси сайланади. Кузатув кенгаши ўз Раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақлидир.

5.3 Кузатув кенгашининг Раиси:

Кузатув кенгаши ишини ташкил этади ва унинг самарали фаолиятини таъминлайди;

Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлис кун тартибидаги масалаларни эркин муҳокама этилишини таъминлайди;

Кузатув кенгаши муҳокамасига киритилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш учун зарур ахборот ва ҳужжатларни ўз вақтида Кенгаш аъзоларига тақдим этилишини таъминлайди;

мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади;

Акциядорларнинг умумий йиғилишини очади ва унда раислик қилади, унинг Раёсати таркибига киради;

Банк Бошқаруви Раисини ёллаш ҳақидаги меҳнат шартномасини Банк номидан имзолайди;

қонун ҳужжатларида ва Банк уставида, Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни бажаради.

5.4 Кузатув кенгашининг Раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларининг кўпчилик овози билан белгиланган Кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажаради. Акциядорлар умумий йиғилишида Кенгаш аъзолари иштирок эта олмаган тақдирда, умумий йиғилиш раиси ушбу йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар(вакиллар) орасидан кўпчилик овоз билан сайланади.

6. КУЗАТУВ КЕНГАШИНING МАЖЛИСИ

6.1 Кузатув кенгаши мажлиси зарур бўлганда, лекин ҳар чорақда камида бир марта ўтказилади.

6.2 Кузатув кенгаши мажлиси унинг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Кузатув кенгаши, Бошқаруви аъзосининг, Ички аудит хизмати раҳбари, ташқи аудитори, шунингдек жами Банк акцияларининг камида 1 (бир) фоизига эга бўлган акциядор/акциядорлар талабига биноан чақирилади.

6.3 Кенгаш йиғилишини чақириш ҳақидаги талаб ёзма равишда Банк Корпоратив маслаҳатчиси орқали Кенгаш Раиси номига тақдим этилади. Бундай талабда йиғилишни чақириш сабаби, кун тартибига киритилаётган масалалар мазмуни ва уларнинг қўйилиши сабаби, тегишли маълумотлар/материаллар, ташаббускорнинг исми-шарифи (номи), ташаббускор акциядор бўлса унга тегишли акциялар сони кўрсатилади ва у ташаббускор томонидан имзоланади. Ёзма талаб келиб тушган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида Кенгаш Раиси томонидан кўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

6.4 Кузатув кенгаши мажлиси ўтказиш санаси, вақти ва жойи ва кун тартибига киритилган масалалар ҳақидаги хабар Кенгаш Раиси ёки унинг топшириғи билан Банк Бошқаруви томонидан Кузатув кенгаши аъзоларига юборилади.

6.5 Кузатув кенгашининг кун тартибидаги масалалар бўйича баённома (қарор) лойиҳаси ва зарур бўлган маълумотлар Банк Бошқаруви ва Корпоратив маслаҳатчи томонидан тайёрланади. Кенгашнинг кун тартибидаги барча масалалар, қоидага кўра, олдиндан Банк Бошқарувида муҳокама қилинади.

6.6 Кузатув кенгашининг йиғилиши унинг аъзоларининг биргалиқдаги шахсий иштирок этиш ёки сиртдан овоз бериш йўли (сўров ўтказиш йўли) билан ўтказилади. Шунингдек, Кенгаш аъзосининг шахсан иштирок этиш имкони бўлмаганда, уларнинг идентификация қилиш имконини берувчи техник воситалар ва техник жиҳозлар мавжуд бўлганда Кенгаш йиғилиши видеоконференц-алоқа режимида ҳам ўтказилишига йўл қўйилади.

6.7 Кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш шакли кун тартибидаги масалаларнинг хусусияти ва оператив кўриб чиқиш зарурлигидан келиб чиқиб белгиланади. Кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш шаклини белгилашда, унинг ўтказилишини талаб қилган шахсларнинг фикри ҳам инобатга олинади.

6.8 Банк операцияларини амалга оширишга доир ҳамда оператив тарзда ҳал этилишини тақозо этувчи масалалар Кенгаш томонидан сўров ўтказиш йўли билан кўриб чиқилиши мумкин. Сўров ўтказиш йўли билан кўриб чиқиладиган масала бўйича баённома (қарор) лойиҳаси тайёрланади ва тегишли маълумотлар, материаллар, асословчи ҳужжатлар ва ёзма тушунтиришлар билан биргаликда Кенгаш аъзоларига кўриб чиқиш ва имзолаш учун тақдим этилади. Бунда баённома (қарор)лар Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва бир овоздан қабул қилинади.

6.9 Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлмаслиги керак.

6.10 Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Банк Уставида назарда тутилган миқдорнинг 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлган тақдирда, Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт.

Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Банк Бошқаруви Раиси ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

6.11 Кузатув кенгашининг мажлисини Кузатув кенгаши Раиси ёки унинг вазифасини вақтинча бажарувчи олиб боради.

6.12 Кузатув кенгашининг қарорлари мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Банкнинг Устав капиталини кўпайтириш ва Банк Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги ҳамда қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар, Банкнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисидаги қарорлар Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади

6.13 Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этиладиганда Кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кенгашнинг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлганда, Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

Кузатув кенгаши йиғилишларида, қоидага кўра, қарорлар очиқ овоз бериш йўли қабул қилинади. Яширин овоз бериш фақат Кузатув кенгаши аъзоларидан бирининг талаби билан ўтказилишига йўл қўйилади.

Кузатув кенгашининг мажлисида маслаҳат овози бериш ҳуқуқи билан Банк Бошқаруви Раиси иштирок этади, шунингдек мажлисга Бошқарув аъзолари, муҳокама қилинадиган масалалар бўйича Банкнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассислари таклиф этилиши мумкин.

6.14 Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Баённома Кузатув кенгаши котиби томонидан юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

6.15 Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:
мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой, мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
мажлиснинг кун тартиби, овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, қабул қилинган қарорлар.

6.16 Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

6.17 Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Банк Бошқарувида ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши Акциядорларнинг

умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, мазкур қарор ҳақидаги ахборот Банк Бошқарувига Кенгаш мажлиси ўтказилган куни топширилади.

6.18 Кенгаш мажлиси баённомасининг асл нусхаси доим сақланиши лозим бўлган ҳужжат бўлиб ҳисобланади ва у имзоланиб, белгиланган тартибда рўйхатга олингандан сўнг, архивга топширилгунга қадар Банкнинг Корпоратив маслаҳатчисида сақланади.

6.19 Кузатув кенгаши қарорлари билан Банк акциядорлари таништирилиши мумкин.

7. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1 Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кузатув кенгаши йиғилиши чақирилишини талаб қилиш, унинг кун тартибига масалалар киритишни таклиф этиш;

Кузатув кенгаши мажлисида шахсан қатнашиш, иш тартибига мувофиқ ажратилган вақт доирасида мажлисда муҳокама қилинаётган масала бўйича сўзга чиқиш, улар бўйича овоз бериш;

Кузатув кенгаши мажлиси кун тартибидаги масалалар бўйича овоз беришда ўзининг алоҳида фикрини йиғилиш баённомасига киритилишини талаб этиш;

Кузатув кенгаши қарорига асосан, Банкнинг муайян даврдаги фаолияти натижалари, Банкни ривожлантириш режалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари, ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатлари билан танишиш; Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун Банк Бошқарувидан зарур ҳужжатларни олиш;

Кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариб турган даврда ҳақ ва ўз вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлар учун компенсация олиш;

7.2 Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда ҳақ тўланиши ва Кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Тўловларнинг миқдори Банк фаолиятининг молиявий натижалари, корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши натижалари ва фаолиятининг самарадорлиги(KPI)дан келиб чиқиб, бир кишига иш ҳақи тўлови бир ойга меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 50 баробаригача, молиявий йил якуни бўйича бир марталик рағбатлантирувчи тўлов меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 200 баробаригача белгиланади.

KPI кўрсаткичлари банкнинг барқарор молиявий ҳолати - банкнинг молиявий оқимлар мутаносиблиги, тўлов қобилиятини, ликвидлилиги ва рентабелли фаолиятини сақлаб туриш учун маблағларнинг етарлилигини, барча пруденциал нормативлар банк томонидан бажарилиши ва банк хатарларини самарали бошқариш асосида белгиланади.

7.3 Кузатув кенгаши аъзоларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

Кузатув кенгаши йиғилишларида фаол иштирок этиш, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Банк ва унинг акциядорлари манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

қонун ҳужжатлари, Банк Устави, мазкур Низом ва Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларидан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни виждонан ва оқилона бажариш;

Банк фаолиятига доир махфий маълумотларни, шунингдек тижорат ва банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор этмаслик;

ўз манфаатлари ва Банк манфаатлари қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни амалга оширмаслик;

Банк билан битим тузишда аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Банкни хабардор этиш;

Кузатув кенгаши мажлиси ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида у манфаатдор шахс деб тан олиниши мумкин бўлган Банк билан тузилиётган битим тўғрисида масала ҳал қилинаётганда муҳокама ва овоз беришда қатнашмаслик.

7.4. Кенгаш аъзоларидан ўз вазифаларини бажариш давомида қуйидагилар талаб этилади:

Банк корпоратив бошқарувининг ташкилий тузилмасини, Кенгашнинг функцияларини билиши, корпоратив бошқарувдаги ўзининг ўрнини англаши, банк фаолиятига хос бўлган таваккалчиликлар ҳақида тасаввурга эга бўлиши, шунингдек, банк-молия соҳасидаги, таваккалчиликларни бошқариш ва корпоратив бошқарувни ташкил этиш борасидаги билим ва малакасини доимий равишда ошириб бориши;

банк фаолиятида фаол қатнашиши, унинг фаолиятидаги ва ташқи шароитлардаги муҳим ўзгаришларни кузатиб бориши, шунингдек, узоқ муддатли истиқболда банк манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чораларни ўз вақтида кўриши;

Банкнинг корпоратив маданияти ва қадриятлари шаклланишида етакчи ўринни тутиши;

кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан Кенгашнинг бошқа аъзолари, Бошқарув аъзолари ва Банк ходимларининг қарашларидан қатъи назар ўзининг асосланган фикрини билдириши;

қарорларни онгли равишда қабул қилиши ва ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳис қилиш, шу жумладан, қарорларни ўз ваколатлари доирасида ва мавжуд маълумотларни ҳар томонлама баҳолаган ҳолда қабул қилиш, хизмат вазифаларини бажаришга масъулият билан ёндашиш;

масъулиятни ҳис қилган ҳолда жавобгарликни ва жонкуярликни намоён қилиши ва содиқлик билан хизмат қилиши, банк ва унинг барча акциядорлари манфаатларини кўзлаб, юклатилган вазифа ва мажбуриятларни виждонан ва оқилона амалга ошириши, ўзининг ёки айрим шахслар манфаатлари йўлида ўз ваколатларини суиистеъмол қилмаслиги ва шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмаслик;

манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи ҳаракатлардан қочиши, шунингдек, манфаатлар тўқнашуви юзага келганлиги ҳақида дарҳол Кенгашга хабар бериши ва уни бартараф этиш юзасидан чора кўриши, манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлганда ва банк манфаатлари йўлида ўз вазифаларини тўлақонли бажаришига тўсқинлик қилган тақдирда, қарор қабул қилишда қатнашмаслик;

Кенгаш ва унинг қўмиталари мажлисларида ўз ваколатларини учинчи шахсга ўтказмаган ҳолда иштирок этиши;

Кенгашга аъзолиги чоғида ўзига маълум бўлиб қолган тижорат, банк сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирини ташкил этувчи маълумотларнинг махфийлигига риоя этиши;

қонунчилик, Банк Устави ва Банкнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

7.5. Кенгаш аъзолари Банкнинг имкониятлари (банкнинг мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлари, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлари, фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборотлар)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

8. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

8.1 Банк акциядорларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш Кузатув кенгаши томонидан қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

акциядорлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда Банк фаолиятини ташкил этиш;

Акциядорлар умумий йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, уларда овоз бериш ҳамда овозларни санаш ва қарорлар қабул қилиш тартибини назорат қилиш;

Устав капиталини кўпайтириш ёки камайтириш, қўшимча қимматли қоғозлар чиқариш ва бошқа усуллар билан Устав капиталидаги улушлар ўзгартирилганда акциядорлар ҳуқуқлари чекланишига йўл қўймаслик;

Банкнинг самарали дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш ва юритиш;

Банк акциядорларининг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

Банк Бошқарувининг ғайриқонуний ва асосланмаган хатти-ҳаракатлари устидан акциядорларнинг таклифлари ва шикоятларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш;

Банк акциядорлари, бошқарув ва назорат органи аъзолари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойиллари асосидаги ҳамкорликни таъминлаш;

Банк Бошқарувининг акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлигининг самарали механизмини жорий этиш;

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий этиш ва уларга риоя этиш юзасидан назоратни амалга ошириш;

барча акциядорларга, уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирки, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил муносабатни таъминлаш.

9. БАНК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

9.1 Кузатув кенгаши Банк Бошқарувидан ҳар чорақда камида бир марта Банкнинг фаолияти ва молиявий аҳволи ҳақида, шу билан бирга, уларни яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар киритган ҳолда, қисқача маълумолар ва ёзма ҳисоботлар олади, шунингдек Бошқарув Раиси ва Ички аудит хизмати раҳбарининг ахборотларини тинглайди.

9.2 Қуйидаги молиявий коэффициентлар Кенгаш томонидан мунтазам назорат қилинадиган кўрсаткичлар ҳисобланади:

активларга нисбатан даромад;

оддий акциялар бўйича даромад;

умумий фоиз маржаси миқдори;

фоизлар тўлаш билан боғлиқ бўлмаган активларга нисбатан Банк харажатлари;

барча кредитларга нисбатан шубҳали ва умидсиз кредитларнинг улуши;

барча кредитларга нисбатан ҳисобдан чиқарилган кредитлар улуши;

йирик кредитлар суммаси ва Банкка алоқадор шахсларга берилган кредитлар.

10. КАДРЛАР СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

10.1. Кузатув кенгаши Бошқарув иштирокида кадрлар сиёсатини, юқори малакали банк раҳбарлари ва ходимларини жалб қилиш орқали амалга оширади.

10.2. Кадрлар сиёсатига қуйидагилар киради:

Банкда ишлаш учун мутахассисларни танлаш тизими;

Банк ходимларига ҳақ тўлаш, рағбатлантириш ва жазолаш тизими;

ходимларни ўқитиш ва қайта ўқитиш дастурини;

раҳбарлик лавозимлари бўш қолган ҳолларда раҳбарликка тайинлаш тартиби;

Банк раҳбарияти, мутахассислари ва бошқа ходимларини ишдан бўшатилиши мажбурий бўлган ҳолатларни белгилаш;

Ходимлар фаолиятини баҳолашнинг тизими.

10.3 Кузатув кенгаши қуйидагиларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди:

Банк Бошқаруви аъзолари ҳамда асосий таркибий бўлинма раҳбарларининг ишини баҳолаш мезонларини;

Одоб-ахлоқ (этика) кодекси ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чораларини;

билимсизлиги, ноҳалоллиги, манфаатлар тўқнашуви ёки бошқа сабабларга кўра Банк мансабдор шахсларининг вазифаларидан четлаштириш шартларининг рўйхатини.

11. БАНКНИНГ ТЕНГ КАПИТАЛЛАШУВИНИ САҚЛАБ ТУРИШ

11.1 Банк капиталини сақлаш ва унинг банк операциялари кўлами ва таваккалчилик даражасига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Кузатув кенгаши:

эҳтимолий йўқотишларга қарши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаб берган миқдорда Банк томонидан махсус заҳира яратилишини назорат қилади;

банк таваккалчилигининг даражасини Марказий банк белгилаган кўрсаткичлар (нормативлар)дан юқори бўлмаган даражада таъминланишини Банк Бошқарувидан талаб қилади;

Банк акцияларини жойлаштириш чораларини кўради;

Банк капитални ва умумий заҳираларининг етарли даражада бўлишини таъминлайди.

12 БАНКНИНГ БИЗНЕС-РЕЖАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ

12.1 Кузатув кенгаши Бошқарув билан биргаликда (мустақил равишда ва четдан маслаҳатчилар ҳамда экспертларни жалб қилган ҳолда) Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Банкнинг узоқ муддатли ривожлантириш стратегияси асосида қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) Бизнес-режасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Банкнинг келгуси йилга мўлжалланган йиллик Бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланади. Бизнес-режа қуйидагиларни ўз ичига олади:

қисқа ва ўрта муддатга мўлжалланган Банкнинг асосий мақсадлари ва устувор вазифалари;

Банк фаолиятининг асосий иқтисодий ва молиявий прогноз кўрсаткичлари;

Банк бюджетининг ҳисоб-китоб параметрлари, молиявий режа кўрсаткичлари;

банкнинг капиталлашув, ликвидлилик даражалари;
Банк активлари, жумладан кредит портфели прогноз кўрсаткичлари;
Банкнинг кредит, инвестиция, эмиссия, дивиденд ва бошқа сиёсатларининг асосий йўналишлари.

12.2 Кузатув кенгаши Банкнинг бизнес-режасини Бошқарув томонидан амалга оширилишини ва ижросини таъминлайди. Бизнес-режада белгиланган вазифалар, мақсадлар, Бизнес-режанинг ҳисоб-китоб параметрлари ва кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш ҳамда Кузатув кенгаши олдида ҳисобот бериш вазифаси Банк Бошқаруви зиммасига юклатилади. Банкнинг Бизнес-режаси ижроси юзасидан Банк Бошқаруви Кузатув кенгашига мунтазам равишда ҳисобот бериб боради.

13 КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

13.1 Кузатув кенгаши аъзолари Банк ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва Банк Уставига ва ушбу Низомга мувофиқ жавобгар бўладилар.

13.2 Кузатув кенгаши мажлисида овоз беришда қатнашмаган ва Банкка зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга қарши овоз берган Кузатув кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод этиладилар.

14 ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

14.1. Мазкур Низом Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради ва шу муносабат билан Акциядорлар умумий йиғилишининг 2020 йил 31 январдаги 1/2020-сонли баённома-қарори билан тасдиқланган “Ориент Финанс” Хусусий акциядорлик тижорат банкнинг Кенгаши тўғрисида”ги Низом ва унга киритилган барча ўзгартиришлар ўз кучини йўқотади.

14.2. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан амалга оширилади. Мазкур Низом қоидалари уларнинг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, Банк Устави талабларига ва корпоратив бошқарувнинг илғор амалиётига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда қайта кўриб борилади.

14.3. Агар мазкур Низомнинг айрим қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Банк Уставига зид келиб қолса, бундай қоидалар ўз кучини йўқотади, мазкур Низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Банк Уставига риоя қилинади.

14.4. Ушбу Низомнинг асл нусхаси Банкнинг Юридик хизмат департаменти Методология ва ҳуқуқий таъминот бўлимида сақланади.